

муддатигача ушбу уруғқұчаларни бир текисда ва меңдерда етилтириди.

Бундан ташқари, М.Сирожиддинов олинган натижаларыда тұхтаб қолмай, құчаларни мунгазам мониторинг қилиш, кузатувни дафтарга қайд қилиб бориш ҳамда ўзи ва фарзандлари учун қимматли маълумотлар банкини йиғишта мұваффак бўлди.

Ушбу маълумотлар асосида фермер құчаларни одатдагидан 50-60 см қолдириб қирқиб ташлаш ўрнига лидер новдага тегмасдан шакл беришга ҳаракат қилиб яхши натижага эришди. Шунингдек, барча навлар бундай агротехник тадбирларга мос келмаслиги фермер тажрибасидан аниқланди. Фермер асосан маҳаллий навларнинг бундай хусусиятига катта аҳамият қаратади.



Фермер М.Сирожиддинов олма құчаларини көвлө олишидан аввалғы кузатув ва ҳисоб тадбири

Фермернинг құчатзорида турли мева тур ва навлари құчалари етиштириб келинмоқда. Шулардан бири нокдир, фермер нокнинг маҳаллий иссиққа ва қурғоқчиликка чидамли Кўқон нок, Тош нок ва Олмурд ҳамда хорижнинг Вильямс, Лесная красавица навлари құчаларини юқо-

ри сифатли, стандарт талабларига тўлиқ жавоб берадиган I-синфга мансубларини реализация қилади. Расмда кўриниб турганидек, құчалар шох-шаббаси шакланган, қатор оралари бегона ўтлардан тозаланган, құчалар соғлом.



Маъруфжон Сирожиддиновнинг нок құчатзори умумий кўринини

Ушбу буклет Bioversity International қўмагидаги "Марказий Осиёнинг қурғоқчилик худудлари бўйича (CRP1.1.) CGIAR тадқиқотлар режаси доирасида мўтадилик иқлим мева экинларининг юқори сифатли құчалари билан фермерларни таъминлаш учун уруғчилик системаси платформасини яратиш" лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (ЎИТИ)

Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Ботаника қишлоғи.

Тел.: (+998-90) 987-79-05


Эл. почта: [uzripi@yandex.com](mailto:uzripi@yandex.com)

Тузувчилар: Ш.М.Ахмедов, А.А.Тепбаев  
М.К.Турдиева ва К.И.Байметоловар умумий таҳрири остида.



## Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Сирожиддинов Маъруфжоннинг  
мева құчалари етиштириш  
технологияси



Тошкент – 2015

Сирожиддинов Маъруфжон Фарғона вилояти Фарғона тумани ҳудудида мева кўчатчилиги билан шуғулланувчи тажриба фермер бўлиб, унинг кўчатзоридан йилига 20-25 минг дона мевали кўчатлар сутувга чиқарилади.

М.Сирожиддинов ўз оила аъзолари билан биргалиқда 0,6 гектар майдонда кўчатчиликни ташкил этиб, олма, нок, ўрик, шафтоли ва гилос кўчатларини етиштириб келмоқда. Унинг фарзандлари Махсуддин ва Мухаммадсодик отасидан кўчатчилик сирларини бекаму-кўст ўзлаштириб, мева кўчатларини сифатли етиштиришга ва уларни навдорлигини таъминлашда муҳим ҳисса қўшишмоқда.



Фермер Сирожиддинов Маъруфжон фарзандлари – Махсуддин ва Мухаммадсодиклар билан кўчатларни ковлаб олии олдидан

Маъруфжон Сирожиддинов кўчатларни тайёрлашда муҳим аҳамиятни кўчатларни тўғри шох-шаббасини шакллантиришга қаратади. Бунда ҳар бир мева тур ва навларини ўзига хос усулда кесиб шохшаббани шакллантириш кўчатларни боғда тезда кўкариб, кейинчалик юқори хосил беришини таъминлайди. Фермер ҳар кўчатни кўчатзорни ўзида шакллантириб,

халқимиз бобо-дехқонлари боғларига етказиб беради.

М. Сирожиддиновнинг яна бир кўчатчиликда амалга ошираётган муҳим тадбир – бу она боғларни тартибга келтириш, навдор дараҳтларни ҳар йили юқори ва сифатли куртак олиш мақсадида уларни буташ, касаллик ва зарапқунандаларга қарши курашиш, минерал ва маҳаллий ўғитларни она боғларига олиб чиқиб солиш ва бошқалар киради.

Фермерга қарашли олма боғида ҳар йили профилактик тадбирлар ўтказилади. Бунда фермер шахсан ўзи қатнашиб, олмазорнинг умумий ҳолатини кўздан кечиради, дараҳтларни новда бериш ва ўсишини назоратда сақлайди. Куриган шох ва новдаларни олиб ташлайди. Она тупларни етарли даражада пайвандлаш учун кўз бериш қобилиятини таъминлаш мақсадида, фермер ҳар йили маҳаллий ўғитлар ҳамда азотли ўғитларни ҳар бир дараҳт тагига солади.



Фермер-кўчаччининг оналик олма боғларини буташ ҳамда сифатли қаламчановдалар олии мақсадида ишлов беришига тайёргарлик жараёни

Фермернинг томорқасида мева ўсимликларининг турли минтақалардан келтирилган тур ва навлари кўпайтириб келинмоқда. Масалан, унинг оиласида

хурмо кўчатлари етиштирилиб, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва қўшни давлатларга етказиб бериляпти. Томорқада фермернинг асосан оила аъзолари – турмуш ўртоги, қизи, келини ва жиянлари фаолият юритиб, пайвандлаш жараёнида, уруғкўчатларни парваришилашда, пайвандустни ўсишини таъминлашда хизмат қилишади. Бунда уларга фаолиятни асосан фермернинг ўзи йўлланма бериб бошқариб боради.



М.Сирожиддинов оила аъзолари (турмуш ўртоги, қизи ва келини) томорқа кўчатзорида етиштираётган мева кўчатлари орасида

Фермер-кўчаччи ўзининг кўчатзорида сўнгги йилларда талайгина янги тадбирларни режалаштириб, майдон юза бирлигидан стандартта мос келадиган кўчатлар чиқимини кўпайтиришни йўлини ишлаб чиқди. Бунга кўра, кўчатзорда 70×5 см схемада экилган олма кўчатлари пайвандлашгача қучли даражада органик ва минерал озиқлантириш ҳисобига ёзниг иккинчи ярмигача тўлиқ пўсти кўчадиган ва ёғочланган уруғкўчатлар олишга муваффақ бўлди. Уруғкўчатларнинг зич экилгани майдон юза бирлигидан олинадиган кўчатларни чиқимини кўпайтирган бўлса, қучли озиқлантириш эса пайвандлаш